

Ўзбекистон адабийоти ва сан'ати

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2010-yil, 29-oktyabr • № 44 (4079)

БАДИИЙ ТАРЖИМА ИСТИҚБОЛИ

“Таржима тил ва тафаккурнинг бузилмас иттифоқи, табиат инсонга ато этган улуғ неъмат, ажойиб мўъжиза. Таржима бор экан, халқлар бир-бирлари билан доимий жонли мулоқотда, адабиётлар бир-бирига вобаста, бир-бирдан баҳраманд”, деб ёзган эди йирик таржимашунос олим Файзулла Саломов.

Таржиманинг жамият ҳаётида тутган ўрнини теран англаган маърифатпарвар зотлар бу соҳа ривожига ҳамиша катта аҳамият бериб келганлар. Чунончи, атоқли адилларимиз Чўлпон, У.Носир, Ойбек, Ғ.Ғуллом, А.Қаҳҳор, Миртемир, М.Шайхзода, М.Исмоилов, М.Осим, А.Мухтор, Зулфия, кейинчалик эса В.Рўзиматов, О.Шарафиддинов, И.Ғафуров, Қ.Мирмуҳамедов сингари заҳматкаш ижодкорлар жаҳон адабиёти дурдоналарини она тилимизга ўғриб, адабиётимиз ривожига, халқимиз маънавияти юксалишига муносиб ҳисса қўшдилар.

Истиқлол туфайли ҳаётимизнинг барча соҳаларида бўлганидек, бадиий адабиёт, унинг узвий қисми бўлган бадиий таржимачилик ривож учун жуда кенг имкониятлар юзага келди. Бугунги кунда ўзбек таржима мактаби аъёнлари янги куч ва илҳом билан давом эттирилмоқда. Бу борада, айниқса, кўпгина адабий нашрлар қаторида “Жаҳон адабиёти” журнали жамоасининг хизмати ҳам эътиборга лойиқдир. Журналхонлар мазкур нашр орқали кейинги йилларда дунё адабиётининг кўплаб машҳур асарларини она тилимизда ўқишга муяссар бўлдилар.

Истеъдодли таржимон Амир Файзулло яқинда хинд халқининг буюк йўлбошчиси Маҳатма Гандининг “Менинг ҳаётим” номли мемуар асарини она тилимизга ўғриб, нашр эттирди. Тошкент давлат Шарқшунослик институтида олимлар, адиллар ва дипломатик корпус вакиллари иштирокида китобнинг тақдирот маросими бўлиб ўтди.

Шу йилнинг сентябр ойида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган таржима кенгаши йиғилишида бадиий таржимачилик олдига турган

лича таништиришга имкон беради. Бадиий таржима ўта масъулиятли соҳа бўлиб, у катта билим, салоҳиятни, шунингдек, кўллаб-қувватлашни талаб этади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошида ташкил этилган “Ижод” фонди самарали фаолият кўрсатаётган таржимонларга имкониятлар яратиб бериб, бу соҳа ривожига муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Биз кўп асрлик адабиётимиз нақадар улкан меросга эгалигини назарда тутадиган бўлсак, истеъдодли, ғайратли таржимонлар сафини янада кенгайтириш лозимлиги ўз-ўзидан аён бўлади. Шу боис, устоз-шогирд аъёнлари адабиётимизда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бундай вазифаларни амалга ошириш ва мақсадга эришиш кўп жиҳатдан адилларимиз, илм ва фан арбобларининг ҳамфикрлиги, ҳамжихатлигига ҳам боғлиқ.

Истиқлол туфайли муайян чеклов ва чегаралар барҳам топди. Халқимизнинг турли соҳалардаги истеъдодли фарзандлари ўз истеъдоди, салоҳияти билан халқаро миқёсда танилмоқда. Илм-фан, санъат, спорт соҳасидаги ютуқларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Эндиликда адабиётимизга ҳам эътиборни кучайтиришимиз мақсадга мувофиқ бўлиб, унда бадиий таржима соҳаси марказий ўринлардан бирини эгаллаш лозим. Эеро, бу эътибор мамлакатимизнинг халқаро нуфузини кўтаришда ўзининг ижобий самараларини беради.

Умид қиламизки, яқин келажакда атоқли ёзувчиларимиз ва шoirларимизнинг ўзбек тилида яратган асарлари рус, немис, инглиз, француз, япон, корей, хинд, форс, урду ва бошқа тилларга ҳам таржима қилинади ва шубҳа йўқки, бу асарлар жаҳон мамлакатларида ўз китобхоналарини топади.

Бобур ҒИЁСОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси масъул котиби



Илк қадам Сайёра МАМАТҚУЛОВА: ЭНГ ЯҚИН ДЎСТ ҲАМ, УСТОЗ ҲАМ КИТОБ

Санъат оламига қадам қўйган одам борки, аксариятнинг ижод йўли бир хил кечади. Кўпларида Оллоҳ берган ўзига хос иқтидор билан бирга ота-она ибрати алоҳида аҳамият касб этади. Лекин шуниси борки, бир хил бошланган ижод йўлини ҳар бир иқтидор эгаси алоҳида-алоҳида босиб ўтади. Ана шу жараёнда санъатда ўз сўқмоғини очишга мушарраф бўлганларгина танлаган соҳасида нимагадир эришади, ўзидан нималир қолдиришга муваффақ бўлади. Бунда изланиш ва мақсад сари астойдил интилишнинг аҳамияти катта.

Сайёра Маматқулова бугун санъатнинг ана шундай жиддий имтиҳонлари оstonида турган юзлаб истиқлол гунаҳарларидан бири. Фарғонада таваллуд топган бу зукко қизнинг илк устози қўшиққа меҳр-муҳаббат қўйган отаси бўлди. Қолаверса, радио-телевиденида эшитиб, кўриб юрган

Замира Суюнова, Юлдуз Усмонова, Насиба Абдуллаева каби таниқли санъаткорларнинг қўшиқлари унга илҳом берди. Мактабда ўтаган талббирларда, албатта, Сайёранинг дилни ром этувчи кўнғирқодай овози янгарди. Айни пайтда у мактабда ташкил этилган карате ва кикбоксинг бўйича спорт тўғрисида ҳам қатнашди. Тўғрақда беш йил шуғулланди. Кикбоксинг бўйича вилоят мусобақасида голбликни қўлга киритди. Лекин 9-синфни тугатгандан сўнг санъатга бўлган муҳаббати устун келди. Сайёра Қўқон тасвирий ва амалий санъат коллежига аъёнанив хонандалик йўналиши бўйича ўқишга кирди.

Давоми бешинчи саҳифада

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Азиз газетхон!
Севимли газетангиз —
«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га
2011 йил учун обуна давом этмоқда.

Обуна тўғрисидаги матбуот тарқатиш бўлими, «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамиятининг почта бўлими, шунингдек, жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан расмийлаштирилди. Тошкент шаҳридаги матбуот тарқатиш дўконлари орқали ҳам газетамизга обуна бўлишингиз мумкин. Хурматли муштарий, агар сиз «ЎзАС»га вақтида обуна бўлсангиз ижодий мулоқотимиз йил бўйи давом этаверади.

Нашр кўрсаткичимиз — 222.

ИТАЛИЯЛИК РАССОМ КЎРГАЗМАСИ

Пойтахтимизда бўлиб ўтган “ТошкентАле-2010” халқаро биенналесида фотосуратлар қатори рангтасвир асарлари ҳам намойиш этилди. Жумладан, Тошкент Фотосуратлар уйида италиялик рассом Марко Перегонинг шахсий кўргазмасидаги рангтасвир асарлари томошабинлар эътирофига сазовор бўлди.

Марко Перего Италиянинг Брега шаҳрида туғилган. Нью-Йоркда яшаб, ижод қилади. Рассом ва ҳайкалтарош сифатида фаолият юритишига қадр профессионал футбол билан шуғулланган. Венеция терма жамоасининг энг яхши ҳимоячиси оёғидан оғир жароҳат олган сабабли Бразилияга кўчиб кетади. Бу воқеа унинг спортни тарк этиб, санъат оламига кириб келишига илк тўртки бўлди. Рассом бўлишни ният қилган Марко АҚШга кўчиб ўтади. Унинг дастлабки шахсий кўргазмалари АҚШ, Италия, Буюк Британияда намойиш этилган.

М.Перего ноъанавий, ҳар қандай қоидалардан холи асарлари билан танилиб бормоқда. У асосан тўқ ранглардан фойдаланади. Рангларни бир-бирига қориштириб, композиция марказида икки ва уч бошли аҳдаҳоларни, фил ва бошқа ёввойи ҳайвонларни тасвирлайди. Рассом бу каби тасвирлар орқали инсон қалби тўбига аширинган сирларни, унинг ички дунёсини очиб бермоқчи бўлади. Ҳаётда шундай кишилар борки, юзи кулиб туради, лекин қалби тубидаги азобларни ташқарига чиқармайди. Марко Перего айнан шундай хислар тасвирини буюклар орқали акс эттиришга ҳаракат қилади.

Мухлиса АБДУРАЗЗОКОВА

БУЮК ХАЗИНА МЎЪЖИЗАЛАРИ

Бир тошқовлидаги тугдона дарахти сонсида шу ерлик қариялардан бошқа худудларда учрамайдиган шифобахш گیёҳлар: харрон, қувонтовуқ, тўтуўплон, тулқитошак, шунгулаларнинг доривор хислатларини сўраб-суриштириб, суҳбат қўриб ўтирган эдим, бир маҳал сал наҳабдаги тошқовлар ёнида ўзаро жикиллашиб қолган уч-тўрт болақайнинг гап-сўзлари диққатимни тортиди. Ажабо, улар Тошкент шевасида “даҳнаки жан” олиб боришаётганди. Уларнинг турки-торолатидан шу ерлик эканлиги кўри-ниб турса-да, мен “балки ота-оналар Тошкентдан кўчиб келишгандир”, деган ҳаёлга бордим. Йўқ, улар шу қишлоқ болалари экан. Болалар билан тиллашиб, гап орасида нега тошкентча шевада сўзлашаётганини сўрадим. “Нима қипти, гапирасан ёмонми?” — деди улардан бири. “Ана, телевизорда, киноларда, радиода ҳам шунақа гапиришади-ку”, — деди иккинчиси. Мен нима дейишимни билмай қолдим.

Қумқўрғон — Бойсун — Тошгузар темир йўли бўйлаб поездда қайтарканман, шу ҳақда ўйлар эдим: аср қурилиш деб ном олган бу улкан йўлни турли шеваларга бой бутун халқимиз қурмади?! Бир шевани иккинчи вилоятда ўзлаштиришаётган бўлса, нега менга фалати туолапти?

Талаба пайтларим Тошкентда бир чол-кампирининг хонадониде ижарада турганман. Ушунда уларнинг ғоят чиройли суҳбатларидан, шеваларидеги чиройли оҳанг, лутф ва товланишлардан ҳайратланиб, завқланганларим ҳамон эсимда. Бундай завқ туйғусини Хоразмда ҳам, Бухорою Фарғонада ҳам, Шаҳрисабзда

ҳам ҳис қилганман. Юртимиздаги турлича шевалар, турлича аъён, удумлар, либослар, таомлар ранг-баранглиги... булар бари милаат бойлиги. Ана шу хусусиятлар маданиятни, маънавиятни бойитиб, қадриятларимизни чўғлатириб туради. Бугунги пойтахт шеваси ҳақида, унинг бошқа худудларга таъсири ҳақида ўйлар эканман, шундай савол қаршимда кўндаланг бўлди: бу яхшими, ёки?.. Агар яхши десан, бугун шаҳарда, кўча-кўйда эшитилаётган антиқа сўзлашувлардан бир пайтлар ҳалиги чол-кампирилар суҳбатидан олганмиз қадар ўша завқу ҳайратни ҳис этолмайман. Талабалар, ўқувчилар, болақайлар нутқиде чала, бузуқ шева, жаргонлар шунчалик араллашиб кетганки, сўзларнинг тўмтоқлиги, чалалиги, синдириб ташланганлиги кишини хушёр тортиради.

Ўз жозибасини йўқотган бундай гализлик олис тоғ қишлоғидеги тақлидга мойил болалар тилида ҳам акс этмоқда. Тўғри, асл пойтахт шевасининг ўзига хос жозибаси, оҳанги, таровати баъзида маҳаллий зийли оилаларда сезилиб туради. Умуман олганда эса унинг турли хил лаҳжалар ва қоринчалар ҳақда хоржий сўзлар билан қориниб, сийқалашиб кетаяётганлиги кўзга ташланади. Ва унга олис туманлардаги овул, қишлоқ болаларининг тақлид қилаётганлиги кишини ҳайрон қолдиради. Бунда албатта радио ва телевидение бошловчилари, шарҳловчи ва турли хил маслаҳат берувчи мутахассисларнинг, айниқса, хусусий киностудиялар махсулотларининг “хизмати” катта.

Давоми иккинчи саҳифада

ШАРҚШУНОСЛАР АНЖУМАНИ

Шу йилнинг 27-28 октябр кунлари Тошкент давлат Шарқшунослик институтида хоржий шарқ мамлакатлари адабиёти кафедрасининг 45-йиллигига бағишланган “Хоржий шарқ халқлари адабиёти ва адабий маънавияти” мавзусида халқаро илмий анжуман ўтказилди. Унда ўзбекистонлик мутахассислар билан Бирта Хиндистон, Россия ва Озарбойжондан келган олимлар иштирок этишди.

Илмий анжумани Тошкент давлат Шарқшунослик институти ректори профессор А.Маннонов кириш сўзи билан очди. “Хоржий шарқ халқлари адабиёти кафедраси 1965 йилда атоқли ўзбек шарқшунос олими Шонслом Шомухамедов ташаббуси ва сай-ҳаракатлари билан ташкил этилган эди, — деди у ўз нутқиде. — Йиллар ўтиб кафедра шарқ халқлари адабиётини тадқиқ этувчи ва ёш авлодга шу соҳадан сабоқ берувчи жаҳондаги йирик илмий марказлардан бирини айланди. Кафедра олимлари нашр этган тадқиқотлар хоржий мамлакатларда ҳам эътироф этилди. Шарқ адабиёти намуналари олдин, асосан, рус тилида таржима қилинган бўлса, кейинги йилларда бевосита аслиятдан ўгурувчи мутахассислар сафи кенгайди.

Бугунги илмий анжуманга эътибор қатна. Чунки давр адабиётшунослар олдиға янги вазифаларни қўймоқда. Замон талабига жаов берадиган янги дарелик ва қўлланмалар яратиш, мумтоз ва замонавий шарқ адиллари ижоди юзасидан мутахассисларнинг ўзаро фикр алмашувлари зарур. Шунга таъкидлаб ўтиш зарурки, Шарқ адабиётининг фақат ўзига хос жиҳатлари анчагина. Масалан, фольклор Ғарбда фақат ўтмишга оид деб қаралса, айрим Шарқ мамлакатларида фольклор аъёнлари ҳозирги даврда ҳам давом

этноқда ва улар халқ оғзаки ижоди намуналари тарзида ўрганишга лойиқдир”.

Анжуманининг яли мажлисида профессор М.Имомназаров “Адабиёт ва маънавият (Минтақа

унда араб, форс, турк, хитой, хинд, муғул ва бошқа бир қанча халқлар адабиётининг ўтмишдаги тараққиёти, бир-бирларига ўзаро таъсири масалаларига назар ташланди. Манбашунослик ва матншуносликка оид маърузалар, а й н и қ с а , қизқич ўйотиб, баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Улан-Уде шаҳридан таширф буюрган муғулшуносе олима Ю.Бадмаева “Муғулларнинг сирли айтимлари” асарининг мати хусусиятлари”, озарбойжонлик олима Н.Ғезалева “Дастур ул-мулк” асарининг жаҳон тарихнавислигини ўрганиш даражаси” ҳақида янги маълумотлар беришди. Ғарчанд мазкур асарлар тарихий бўлса-да, муаллифлар уларға бадиий ишлов беришган ва маърузачилар масаланинг ушбу жиҳатига диққатини жалб этишди. Мумтоз ва замонавий ўзбек адабиёти,

Мумтоз ва замонавий ўзбек адабиёти, унинг Шарқ адабиётинида тутган ўрни ҳақида ҳам илмий мулоҳазалар билдирилди. Айниқса, Алишер Навоийнинг жаҳон адабиётини қўрсатган улкан ижобий таъсири яқинлиги билан эътироф қилинди. Мумтоз ва замонавий ўзбек адабиётини хоржий тилларга ўтириб нашр этишни кенгайтириш лозимлиги таъкидланди. “Замонавий Шарқ адабиёти масалалари” деб номланган 2-шўбада ҳам маърузалар ранг-баранг бўлди. М.Ақбарова “Замонавий сурия адабиётинида модернизм” мавзусида сурия адабиётинидаги модернизм ёзувчилар ижодига кенг тўхтади. Хоржий Шарқ адабиёти намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш истиқболлари ҳам қизғин адибулардан бири бўлди. Ғ.Каримов эронлик, Ж.Зиямуҳамедов хитойлик, Д.Муборакова мисрлик замонавий адиллари ижодини ўзбек тилига таржима қилиш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида маълумот беришди.

Ўз муҳбиримиз

Александр ФАЙНБЕРГ, Ўзбекистон халқ шоири

КУЗГИ ОТАШ АРО ИШҚДАН УМИД ҚИЛ

Яшаётган сатрлар

КУЗ

Туман ҳам тарқалди, кун ойнадек соф,
Гузалик намоён айлади ўзин:
Олтин куз мисоли биллурдек шаффоф,
Олтин куз мисоли гижжакдек ҳазин.

Ёз чархпалак учмас энди талтайиб,
Боғларда тебранмас энди аргимчоқ,
Яланғоч дарахтлар ингичка, заиф,
Уфққа ёнбошлар кўёш эринчоқ.

Кўзда ёш, босади деразага юз,
Жовдираб-жовдираб боқар мисли куш,
Бошин чайқаб-чайқаб пичирлайди куз:
“Хайр-хўш, хайр хўш, хайр-хўш”...

Соқин куй таралар шамол чангида,
Янроқлар тош йўлда ўйинга тушар.
Сирли чангичилар сариқ чангида
“Шитир-шитир” қилиб томлардан ошар.

ҚЎШИҚ

Бу қизча беғубор булутдек эди,
Олисан янраган қўшиқдек эди.

Қирғоқ. Қоя. Кема тигиз.
Кўпик сочиб, сапчир денгиз.
Қовоқхона ёнбошида
Шарманкани чалади қиз.

Гоҳо этак очар денгиз,
Гоҳо зумрад сочар денгиз,
Куйлаб кўнгила очар денгиз —
Катерина... Катерина...

Тузли сувни шимиган тўр
Хилпирайди шамолга жўр.
Қумда тўрнинг қисмати шўр.
Чағалайлар парвози зўр.

Тўлқинлар чўнг тоғдек-тоғдек.
Шарманка мисли қармоқдек,
Овдан қайтган денгизчилар
Куйга иланир чавоқдек.

Шамол кум ялар қирғоқда,
Ким гулхан қалар қирғоқда.
Қизча куй чалар қирғоқда —
Катерина... Катерина...



Олис-олиса бўлиб ром,
Боқар денгизга беором.
Том маънода Ишонч — соғинч,
Соғинч-ла ишонч эрур том.

Қўшиқ янгради. Сўз беором.
Ошпаз иши товоқ-қозон.
Қиз кўзи — Осмондек денгиз!
Қиз кўзи — Денгиздек осмон!

... Ким бўлиб қолдинг оламда?
Чағалайми? Ёки қўшиқ?
Лаҳзалар йўқ!
Асрлар йўқ!

Фақат сен қолдинг оламда —
Катерина... Катерина...

Куз ҳазони ва ҳижрон аро
Бахтиёрман деганим беором.
Ҳамма нарса беқарор, аммо
Фақат ўзинг гўзалсан, дилдор.

Беҳудага чўзурман вақтни
Кўзларингда қулганда юлдуз.
Бой беғурман беҳуда бахтни,
Дилга санчилади жуволдиз.

Навода ғам, ғамда наво бор,
Тўхтаб қолди юғурик фурсат.

Видолашдик. Бизга бўлди ёр
Айрилиқмас, фақат муҳаббат.

Кузнинг мўъжизаси —
алвонранг шафақ.
Булутлар пойгачи кемадек юзар —
Оқ елканлар юзар жанубга илҳақ,
Турналар галаси улардан ўзар.
Уфққа ботаётган кўёш юмалоқ
Гумбаз қалпоғига узатади қўл.
Юрак айрилиқнинг тотини сезар,
Малина ифори анқийди нуқул.

Вакзал. Тутуиларга чулганган пештоқ,
Байларка учди олтин анҳорда.
Оркестр янграйди боғларда муштоқ.
Хазонинг навоси янгради наҳорда.
— Хайр, — вакзал томида ўйнаб бозбарак.
Занг темир учди тилларанг хўроз.
Бўғизда ёш. Гуё тош қотар юрак.
Мойли шпалларга қурим қўнар боз.

Сезаман — кимсасиз жарликдан туман
Ўрмалар темир йўл оша ўтлоққа.
Ялтираган юр жуфт релслар ёнма-ён
Бора-бора сингиб кетар йироққа.
Ёшлар гитарга ошуфта хаёл.
Шпалбаумларда янроқлар қизил...
Бироқ шпаллардан келмоқда аёл...
Кузи оташ аро ишқдан умид қил!

Унутма. Бир марта чалинар наво.
Битса ҳам хотирдан ўчмас жароҳат.
Унутма. Юракни тилкалар жафо.
Фақатгина бир бор келар муҳаббат.

Ёлғон ваъдалардан не фойда бор-а?!
Бу ўйиндан чиқиб кетганман азал.
Қалбаки нағмани тинглашдан қўра
Одамга жим-житлик, суқунат афзал.

Ўтинаман, дангал бўлмаган сўзга
Ишониб бой бериб қўйма борингни.
Учмагин алдоқчи, бевафо кўзга,
Асраб-авайлагин юрак торингни.

Сабр қил, тебрангай юракдаги тор,
Бир юрак жўр булар унга беғубор,
Ҳақиқий муҳаббат сиздоси бўлиб.

Рус тилидан
Рустам МУСУРМОН
таржимаси

Яна кеч қолдим. Ярим соатга... Мен
хоҳлабимиди шуни... Нима, сизни уйга
кеч қайтган вақтингиз бўлган эмасми?
Умуман, қачон келишимдан қатъий
назар, кунининг тонгидан шомигача
ҳисобини беришим шарт унга. Бера-
ётган саволлари бошимни гангитса
ҳам, дудам сўзлари юрагимга ботиб,
кўксимни вайрон қилса ҳам ҳижолаб
жавоб бераман. Ваҳ тўқисам ишона-
ди, ростини айтсам ишонқирамай аса-
бимни эгволайди. Қандай одам экан-
бу? Авваллари унақа эмасди-ку, қачон-
дан бери бундай сўроқчи бўлди? Эс-
лолмайман... Бир кун портлайман.
Қачондир... Остонада турибман, ичка-
рига киргим келмапти. қаёққа ҳам
бораман, қираман-да барибир...

Сўроқ копи очилади меҳрибонининг.
— Олифанг билан сўхбат қизиган-
дан кеч бўлганини ҳам пайқамай қол-
дингми?
— Қанақа олифта?! Неча кундан бери
тилингиздан тушмайди шу сўз. Ким
ҳақда гапиряпсиз ўзи? — дея зорлана-
ман, — Тўхматчи, тўхмат қилманг! —
бошқа сўз айтломайман.

— Узингни бос, эҳтиёт бўлгин дей-
ман-да, меҳрибонингман-ку, ахир. Сен
айтмасанг-да, ҳаммаси аста-секин
маълум бўлади, қарибир, — босиқлик
билан киноя қилади у.

Ийглаб, тўнгилаб хо-
нага кириб кетаман. Меҳ-
рибонингман эмиш, хўш,
қандай меҳрибонлик
қилибди? Бетоб бўлсам
укол дорига қўшиб бир
дунё танбехни ҳам
бўйинимга юлганганими? Бурчи бўлгани
учун қилган бун. Узимча яна бир не-
малар деб гулдирганим ошхона томон ке-
таман.

— Овқат суздим, келинг, — қақира-
ман халиги кайфиятнинг кўзини ўйиб.
— Еввер, қорним тўқ, — деган сас
келади қайсидир хонадан.

Овқатни дастурхонда қолдириб
ёзув хонамга кириб кетаман. Қайтган-
да столда доимгидек бўш қоса
турганини кўраман. Парчалаб ташла-
гим келади, қалбим парчалангани
каби. Унинг аччиқ сўзлари, бемаъни
саволлари ичимни тирнайди яна.
ўйлайман: у мени яхши кўрмайди.
Меҳрибонингман дегани ҳам ёлғон.
Бўлмаса шунақа азоб берармиди?
Ёмон кўрса нега ҳайдаб юбормади?
Толиқдим. Рўҳимда оғриқ... Бир шир-
ин сўз йўқ, на бир табассум. Тилаб
олган қорим бошимга бало, сўраб
олган муҳаббатим қалбимни яро
қиларми? Меҳрибонлик муҳаббатдан
яралган эмасми, ахир? Ё Тангрими?
Муҳаббат нима ўзи? Покиза, сунгу-
ни юпанчи... Дил-ороми, кўнгила чирочи
эмасми? Меҳримни, ишончимни сен-
дан бурун банданга берганим учун
муҳаббатнинг йўлида зор эдингми?
Асли сенга элтгучи йўлнинг номи му-
ҳаббатдир, балки? Мени мендек сев-
салар қанийди? Билмадим, ёлғиз
қолишдан қўрқаяпман. Банданг ёлғиз-
лиқни кўтара олмайди. Хар ёлғизлик
ёри ўзингсан. (Қадимгилар беқорга
айтишмаган) Ҳа, ҳа ўзинг! Демак, у
ёлғиз эмас. Мен ҳам. Фақатгина қал-
бимизга ёруғлик истаймиз. Унинг
зулмати бизни ёлғизлик қаърига тор-
таяпти. Шу тоб унинг қалбига нур
бўлиб ингим келди. Тўлдирсам зиё-
га, чарогон этсам!

Ёзув хонамининг чирогини ёниқ қол-
дириб, у томонга мўраладим. Вақт ал-
ламаҳал бўлганига қарамай ухламаб-
ди. Лампа ёруғида қандайдир китоб
ўқияпти. Муқоваси танишдек туюлди.
Мени кўриб дарров ёстиги остига бер-
кипти ва:
— Сен қачон ухлайсан ўзи? — деди.
— Негадир уйкум келмапти, — му-
лоимлик билан жавоб бердим. — Бу-
ғун нималар қилдингиз? Чарчадингиз-
ми? — кўнглига йўл ахтарётганимни
сездирмади?
— Нимайди?
— Бошингиз оғримайаптими? — Сал-
га боши оғрийдиган одати бор унинг.
— Келинг...
— Кеч бўлди, ухла, — сўзимни кесди
у. Кейин тескари ўгирилиб, — тушинг
да олифангнинг кўрмагин яна, — дея
қўшиб қўйди секингина. Бу гапидан
жоним ҳижилдоғимга келди. Ярим тун-
да уйкусини бир захар қилсамми?
Бироқ бунга элпай оларимиди? Юра-
гим оғриди. Қалбим ўйиклари туз
тўлдирилгандек ачиштирарди.

— Барака топгур, қанақа олифта
яна, — дея олдим аранг.
Хуррак товуши жавоб чекимга туш-
ди. Бошимни этганча бирпас ўтирдим.
“Қаердасан олифта? Ўзи бормисан, бу
дунёда? Сени соғиняпман-ку. Мени
олиб ке-ет!”

Бутун хонани тутган хуррак товуши
хаёлимни тўзатиб юборди. Энди бари-
бир ухлаб бўлмайди. Судралиб чирочи
ёниқ қолган ёзув хонамга кирдим. Очқ
дераза ёнига қелиб, ичкарига елаётган
байни шабададан ютоқиб сипқо-
раман. Осмондаги дам йўқолиб, дам
тиник тортиб, ёркинликда бир-бирдан
ўзига интилаётган юлдузларга узок
термулиб, ўйландим.

Эсимда, бобом ҳовлига чиқиб,
юлдузларни томоша қилишни ёқти-
рар эди. Уларга қўшилиб мен ҳам
осмонга термулиб ўтирдим. Бола
эдим, бир хилликдан зерикиб, кет-
моқчи бўлсам, “Тўхта болам, қара,
бугун барча юлдузлар чиқибди”. Де-
мак, эртага ҳаво очик бўлади”, де-
ганди бир сафар.

— Ия, бобо, юлдузларнинг ҳаммаси
чиқмаса нима бўлади? — қизиқсиниб
сўрадим.

— Унда биров салқинроқ бўлади, —
деди бобом насихатомуз оҳангда, томи
ёпилмай қолган ошхонага қараб...
— Бобо, юлдузлар об-ҳавони бил-
дирса... хмм... яна нималарни билди-
ради? — сўрайман кўзларим пирпираб.
— Кў-ўп нарсани, болам.
— Масалан?
— Хў-ўб, масалан... Мавсум ўзга-
ришини ва яна... яна улар кўп нарсани
билиди, — деди оғир хўрсиниб.
— Бобожон, юлдуз бўлгим келяпти,
— қўлларимни баланд кўтариб уларга
талпинаман.
— Йўқ, болам ундай дема, биз ин-
сонимиз, инсонлигимизча қолайлик. Ин-
сонлар инсонлиги учун ҳамма нар-
садан баланд бўлади.
— Во-ой, юлдузлар биздан баланд-
да-ку, — дедим ажабланиб.

— Бобом худди қалтис гап айтиб
қўйгандек, атрофга олазарак бўлди.
Сўнг секин туриб, “кеч бўлди, юр уйга
кираемиз”, — деб етаклади. Уй томон
йўналдик. Ушанда бобом “Барибир
гапирганим билан ниманиям тушунар-
ди”, деб ўйлаган бўлса керак. Бироқ
ҳозир ҳам самовий мавжудотлар си-
рини англаб етмаган эсам-да, шу тоб
юлдузга айлангим, само бағридан

жой олгим келяпти. Балки олифта ҳам
ўша ердадир. Қаерда экан-а? Қаер-
да? Осмонга боқаман, кўз ўнгимда
юлдузларга қора парда тортилди-ю,
бир лаҳзада олам зимзиёликка чўмди.
Худди қалбимнинг ҳозирги ҳолатидек:
қоп-қора, ҳамма ёқ қора. Фақат му-
толааю ёзмоқ билан
ёриб чиқиш мумкин эди
бу зулматни...
Мана, менинг севимли
китобим, ўқийвериб ёд
бўлиб кетган китобим. Ҳис этияпман,
ёзувчи қалбини, дардини. Недир
қилмоқ, ёзмоқки керак, бу зулматни
парчалаш учун:
“Куз!.. Оқшом чўқмоқда. Қўёш уфққа
бош қўйиб, тонгги сирларини беркит-
ди гўё. Дарахт барглари тўккан
тўзон менинг қалбимда ҳам изғиб
юрди. Қайдасиз? Неча кундирки
тинчимни олган Олифтам, қайдасиз?..
Мана, яна тун бутун борлиқни энг-
ди. Барча уйкуда. Балки сиз ҳам му-
рамоқдасиз. Шу тоб ёнингизда
бўлгим, таскин-ҳаловатни туйгим
келди. Киприқларингизга инган уйку
бўлсам эди, тонггана, аллақадарми.
Ёки уйкунгизда туш бўлсам эди, тонг-
да Лайлингиз бўлиб руҳингизга син-
гиб кетардим. Қайдасиз? Бормисиз
бу оламда? Кўрсам эди сизни, бир
бора кўрсам. Мен ҳам яшаган бўлар-
дим инсондек... Мақтублар ёзаман,
уюми тоғдай, манзилин тополмай
саргардон улар...”

Қанча ухлаганим-ўртанганимни бил-
майман, тонгда қўшларнинг шодон чу-
ғурдан уйғондим. Бу хуррак товуши-
дан анча яхшироқ эди.

Шовқинли дунёнинг катта кўчалари-
дан кетиб боряпман. Уч кўзнинг пиё-
далар ҳаракати учун мўлжалланган
кўзи ёнди. Йўлни кесаётиб, атрофга
аланглайман. Кўзни қамаштиргудек
оплак машиналар қатор. Бир машина
эгаси нигоҳларимни ўғирлади. Тани-
дим. У ёзганлари-ла қалбимни оққа
бурканган севимли адибим эди. Юғу-
риб-юғуриб йўл четига ўтдим. Ортим-
га бурилиб унга қарадим. Бирдан қал-
бим завққа тўлди. Севинчимни аши-
ролмаб, кўл силкитдим. Яхшиямки,
кўрмади. Машиналар силжиб яна
йўлда давом этди. Энди хаёларим ҳам
у билан кетди. Секин одимладим. Йўл
четида кетаётиб, ҳозиргина ёнимда
яшиндай ёниб, зумда йўқолган одам
ҳақида ўйла бошладим: Адабиёт куй-
чиси! Наҳот у шу оламда яшайди? Биз
билан, орамизда. Унинг ёзганлари
ҳақида таниганларимга айтганман.
Айниқса, ёлғиз одам ҳақидагиси...
Қайта-қайта ўқиганман. Инсониятнинг
кўзгуси эди у. Ўзидан қочиб икромлик-
нинг дийдоридан беркинган инсонлар-
нинг қиёфаси эди, балки. Бу ҳақда
меҳрибонимга ҳам айтгандим. Биз
асар қаҳрамонини муҳокама қилардик.

— Нима, унинг оиласи, бола-чақаси
йўқ эканми, — деганди у.
— Бор. Атрофида ҳамма бор. Бироқ
у ёлғиз.
— Эсинг жойдами сенинг, яқинла-
ри бор инсонни қандай ёлғиз дейиш
мумкин? Қолаверса, бу дунёда ҳамма
бир-бирига қариндош.

— Тўғри-и, лекин хар қариндошни
руҳдош, қалбдош деб бўлмайди-ку.
Унинг руҳи ёлғиз. (Эҳ, сиз бунга қай-
дан ҳам тушунардингиз).

— Аслида, хар бир инсоннинг руҳи
ёлғиз бўлади. Бунга ўзи билмаслиги ё
тан олмаслиги мумкин. Уша ҳақиқатни
англаш, англашиш ёзувчининг мақсади
бўлган. — Муаллиф шайнига кўп яхши
гаплар айтдим. — Бир кун учрашаман,
— ўйимдаги сўз тилимга кўчди.

Унинг бирдан жигибийрони чиқиб:
— Агар билсанг, ўша ёзувчининг
нинг ҳаммаси ўзича олифта! Менис-
майди оддий одаларни. Осмонда уча-
ди, ҳаммадан баланд. Қани бир учра-
шув белгилаб кўр-чи, мақсадингга
етармикансан? Улар сўзга устас, хоҳла-



ганча ўйнатади. Сен эса орзуланиб
юраверсан, — дея энасини қотирди.
Ўйлаб қолдим, унинг гапи тўғрими-
кан? Ёзувчилар шундай бўлармикан,
деган фикр хаёлимни чангитиб ўтди.
Энгилгим келмасди.

— Ўйлаб гапиринг, у одам сиз айт-
гандек эмас, — дедим қатъий ишонч
билан. Мен уни яхши... — томоғимга
бир нима тикилгандек бўлди-ю, на-
фасим кесилди. У кўзларини катта-
катта очиб, сўзим давомини
кутарди. Бир ютиниб,
ўнландим.

— Яхши деб ўйлайман, —
дедим. Шу он “яхши” деган
сўз дунёдаги энг буюк ка-
ломдек туюларди. — Улар
олифтамас... Қолаверса

олифта бўлса нима бўпти.
Шу вақт телефоннинг жиринглаши
бахсимизга танаффус эълон қилганди.
Шулар ҳақда ўйлаб яна йўлни кесиб
ўтарканман, миямга бир нима гурс этиб
урилгандек бўлди. Ия, шовманг-чи,
қадамларим ҳам секинлашарди. Олиф-
та дейдимми?! Калаванинг
учини топдим, шекилли.
Қараб турсин, бир боппай-
ман, “Бугун олифта билан
учрашаман, бирга чой ҳам
ичдик”, дейман. Ана шундай хаёлар
билан учиб-қўниб йўлда эканимни уну-
тиман.

Кўзимни очганимда хар хил дори-
ларнинг ҳидидан ва яна оқ халатли хо-
нимларни кўриб, касалхонада эканли-
гимни пайқашим қийин бўлмади. Те-
памда эса меҳрибоним.

— Тўзукмисан, — деди дўррилоқ
овози билан. “Ҳа”, дегандек кўзимни
юйиб очдим. Оғриқ бутун баданимни
қақшатарди.

— Йўлда хаёл сурмай юрсанг
бўлмайди? Хар доим айтаман, эсинг-
ни йўқин, деб, — танбех берди у навбат-
даги меҳрибончилигини қилиб.

Юзимни тескари бурдим.
— Қара, сенга нима опкелдим, —
деди халиги оҳангини бузмасдан.
Қарагим келмади.

— Қарасанг-чи!
Кўлимга бир нарса тутқазди. Пай-
қадим. Бу китоб эди. Унга синчилаб
қарадим, севимли адибимнинг янги
тўпласи. Кўзларим севинди, дилим
яйради. Ва қандайдир портретни ҳам
ёнимга қўйди. Қизи-и-иқ... (Суратда-
ги ким?) Ким эди бу? Таниш. Жудаям
таниш... Ией, бу ўша-ку! Ҳа, ҳа ўша!
Айнан адибимнинг ўзгинаси... Лол
қолдим... ҳая, нимадир дейишим ке-
рак унга. Нимайди-я... Сўзлар,
сўзлархон қанисиз? Бу исёнкор жим-
ликни парчаланг... хатто сўзларимни
ҳам тортиб олди у.

— Бу эса оламнинг, — деди сурат-
ни икки қўли билан тугиб.

— Бу эса оламнинг, — деди қўлимдаги
китобга ишора қилиб. — Ҳа, фақат сени-
ки, ўзингники. Сен ўз оламингда яшай-
сан. Ундан нафас олапсан, ёруғлики
топапсан... Уни ўқидим, — дея китобга
ишора қилди. — Энди кўнглинг жойига
тушди, — деди китоб берганидан мин-
натланиб. Сўнг қўлидаги суратни ўзи
ўтирган стулга қўйиб, эшик томон юрди.

Чикаётиб бошини аста буриб қаради.
Унга нисбатан юрагимда қандайдир ачи-
ниш ҳиссини туйдим. Йўқ, йўқ, уни ҳур-
мат қила бошладим. Оламнинг дегани
учунми, китоб ўқийдиган одамга айла-
наётгани учунми, билмадим, ҳурматим
кучайди. Бу нарса вужудимдаги оғриқ-
ни бир уст бартарфат этгандек бўлди.
Унга мийингина жилмайдим.

— Нега ишшасанг? — деди энди та-
наси билан ўгирилиб. — Икки кундан
бери шу аллозда ётибсан. Бу вақтлар
осонгина ўтди, деб ўйлайсанми? Тез-
роқ тузал, уйга кетамиз. Шундоқ ҳам
икки кунга кечикдинг, — деди-ю, ши-
тоб билан чиқиб кетди.

Унинг бу гапидан қаҳ-қаҳ отиб қул-
гим келди. Бироқ танамга қайтган
оғриқ бунга йўл бермасди. Таваба, ҳеч
кимга ўхшамайдиган жиҳатлари бор
унинг. Унчалик ёқимли эмас, айна вақт-
да ёқимсиз ҳам деб бўлмайди. Унда
чиқиб кетаётган вақтида нега хар до-
имгидек кўл силкиб хайрлашолмадим?
Дарвоқе, қўлларим банд эди-ку... Мах-
кам кучган китобимни кўксимдан олиб
дуч келган бетини очдим. Ва дуч кел-
ган жойини овоз чиқариб ўқидим.

“Мен сенисиз ҳам, сен билан ҳам
яшай олмаймак...”
Бу сўзлар унга аталганди гўё... Яна
хаёли етаклайди менинг оғви етмас жой-
ларга... Бу асли менинг сўзимдир, бал-
ки. Бояғи ўқтам овозим энди шивир-
лайди: “Мен ҳам сенисиз яшай олма-
ман, сен билан ҳам яшашим душвор!”

Яйра АБДУЛЛАЕВА

Сен эски қўшиқсан мен унутмаган

ҚИЗИМ

Меҳмон бор, ош пишир, ҳой қизим,
Лабингни бурмагин, ой қизим.
Хар ишда мейёр бор, мезон бор,
Қилмасанг — билмайсан, бой қизим.

“Ёрдамчим йўқ, ахир, бир ўзим,
Делингми?” ўйлаб кўр, ҳой қизим.
Супурсанг — шаббода ёрдамчи,
Кир чайсанг — қуритар кўёшим.

Тонг чоғи кўзуга бир қара,
Ўсма қўй, сўнг эса соч тара.
Қадамнинг ўнади ҳовлимиз,
Жўжалар шод чопар изма-из.

Эшиқлар сийлайди қўлнингни,
Еру кўк ёритар йўлнингни.
Чойнагу пиёла сендан шод,
Қулиб турсанг — қошонам обод.

Биллур жарангидек овозинг,
Атиргудек хар битта нозинг.
Танбехимдан тилло топ, дейман,
Танлрларда ширмой ёп, дейман.

Демасан зинҳор сен ёмон қизим,
Ҳам зирапча, ҳам ширмон қизим.

ОДАМЛАР

Одамлар бор, дилинг
яшнар гаплашганда,
Одамлар бор, дилинг
гашлар гаплашганда.
Одамлар бор, кўнгли тўла газаб, ҳасад,
Одамлар бор, нурга
бошлар гаплашганда.

Одамлар бор, дилдан дардинг
туйиб турар,

Одамлар бор, сўзи билан суйиб турар.
Бир-бирига ўхшамас ҳеч, турфа олам,
Одамлар бор, халқ дардида

Каломиндан сўхбатдошинг яйраб турса,
Қандай ёмон, дўстинг тишин
қайраб турса...
Ғунча кўнгила атиргудек очилади,
Чаманзорда мудом булбул сайраб турса.

Сен эски қўшиқсан мен унутмаган,
Илоҳий гурбатсан шабнамдай тиниқ,
Бирон куним йўқдир сени кутмаган,
Бутун сабр қушим қаноти синиқ...


Хаёлим судрайди зангор йилларга,
Гузал лаҳзаларни тугиб олгудай,
Рухим вужудимдан кечиб шошади,
Илоҳий севгини кутиб олгудай.

Сен эски қўшиқсан мен унутмаган,
Кўнгила сўролмаган сўроқларимдан.
Сен чала ишимсан сира битмаган,
Минг бир кеча чеккан фироқларимсан.

Сен шундай гўзаллик, илоҳий озор,
Сен осмон, юлдуздай кўксингга ботсам.
Сен қаҳратон қишда ухлаган баҳор,
Мен бинафша бўлиб сени уйғотсам,
Уйғонардингми?

СОҒИНЧ

Шоир, соғингингни қоламан қўмсаб,
Мажнуун сочларингни сийлагим келар.
Боладек эрка



ОҚТОВ БАҒРИДА

Оқтов Чотқол тоғи тизмаларидан бири. Унинг манзараси атрофдаги тоғлар манзарасидан тубдан фарқланади. Чотқол юртимиздаги энг табиати бой тоғлардан бири бўлиб, агар минтақаларга бўлиб таърифлайдиган бўлса, унинг тупроқ-ўсимлик қоплами тоғ-дашт минтақасидан бошланиб, абадий қорлар билан қопланган нивал минтақасида тугайди. Тизманинг этакларида буз тупроқлар кенг тарқалган. Унда ўсимликларнинг ўнлаб турини учратиш мумкин. Юқорида жойларда, яъни каштан тупроқларида эса баланд бўйли ўтлар қатори тиканакли бодом, дўлана, зирк, ва айникса, арчалар кўп учрайди. Бир сўз билан айтганда, Чотқол табиати таърифага сиймайди даражада ранг-барангдир.

Тоғ бошидан аримайдиган оппоқ қори туйфайли бу манзил "Оқтов" деб уюрилгандек, унинг этагидидаги тизмалар ва бурмалар "Катта охур", "Кичик охур", "Теракисой", "Махлибсой" каби номлар билан аталади. Тоғдаги арчаларнинг жойлашувига қараб Оқтовнинг баланд-пастлиги хусусида маълум тасаввурга эга бўлиш унчалик қийин эмас. Боиси, арчалар, одатда, 1500 метрдан 3000 метргача бўлган баландликда ўсиб, икки миңгичи метрда қуюқлашади. Шунингдек, арчаларнинг кўрамлиги жой табиатининг нечоғли қулай ёхуд нопоплигидан дарак беради. Бу ердаги арчаларнинг бўйчанлиги ва бир текислиги Оқтов иқлимнинг ниҳоятда қулайлигини билдиради. Кискаси, бу улкан ҳудуд, тоғлиқлар таъбири билан айтганда, қуёшга қараган бўлиб, наботот оламининг, қолаверса, тириклик дунёсининг ўсиб-унмоғи ва ривожланишига ўта соз маскан ҳисобланади.

Она сайёра — қўриқхона

Куйида эса Ертош қишлоғи сув ёқалаб чўзилиб кетган. "Ертош" сўзи "тошли ер" деган маънони билдиради. Қишлоқ одамлари ота-боболари тошлоқ ерда боғ-роғ ярата олганликлар билан фахрланиб, улар ишини давом эттириб келишади.

Оқтовнинг ўсимлик дунёси ниҳоятда ганки, томоша қилиб чарчамайсан. Айрим ҳашаротлар эса тоғлиқлар ақидаси бўйича бойлик рамзи ҳисобланаркан. Агар қурум-чумолилар кимингидир томорқаси ёки ҳовлисига қўнми тоғдан бўлса, ўша одамнинг хонадонига кутбарак ёғиларкан. Шунинг учун бу чумолилар ҳеч қимса томонидан безовта қилинмас экан. Улар инларини хас-хашакдан қуришади. Тоғ аҳли қурум-чумолига қўнган қишини сира-сира кечир-ришмайди. Улар бу чумоли турини, қай бир маънода, илоҳийлаштирганлар. Тупроқни озиклантиришда уларнинг хиссаси жуда катта.

Тоғдан сойликдаги қишлоққа энэрканмиз, кўзимиз бир текис қузалган тоғларга тушади. Одатда, тоғлар сояси учун, кўп жойларда эса новдаларидан четандор тўкиш учун экилади. Лекин шунда ҳам тоғлар таралмайди, қузалмайди, қайтаганга новдалари узун бўлсин дея, ўз майлига қўйиб берилади. Хуллас, ертошликлардан тоғларнинг бу тарзда қузаллиш сабабини сўраганимизда, уларнинг жавобидан ҳайратимиз ошди. Бу тоғ новдаларида қора ва ушқ молларни семиртирадиган икки турдаги ёғ моддаси мавжуд эмиш. Тоғ новдалари айни қиш қиличасида озуқа сифатида молларга берилса, жониворларнинг тезроқ семиршишига ёрдам берадиган, уларни қаттиқ совуқдан ҳам асраган.

Бу қишлоқда биз оппоқ либос кийган дарахтларни ҳам учратдик. Турли вилоятларда ўралган узум бошларини кўп кўрганмиз. Лекин бошдан-оёқ либос кийдирилган дарахт-

ларни илк бор кўриб туришимиз. Бунинг барига қушлар айбдор, дейди ертошликлар қўноқлик билан, боғдаги мева сал қизариши билан улар йўқ ердан ҳозир у нозир бўлишади. Ризқимизга шерик бўлгани етмагандек, меваларни тўкиб-сочиб кетади. Шунинг учун қушлар билан кун бўйи талашиб-тортишиб юргандан кўра, дарахтларга доқадан узун либос кийдириб қўя қолдик. Бу ишимиздан дарахтлар хурсандиру, лекин қушлар жуда хафа. Қаранг, ҳатто сайрагиси ҳам келмапти.

Умуман олганда, Оҳангарон туманида таърифига сўз ожиз қоладиган қишлоқлар кўп. Лекин бу қишлоқлар орасида Ертош алоҳида ўрин тутайди. Тоғлар орасида жойлашган бу қишлоқнинг табиати саховатли, сойлари ўйноқ, ертошликлар тили билан айтганда, бу гўзал гўшада йилнинг тўрт фасли турланиб, тусланмайди, балки бор-йўғи икки фаслнинг ранг-туси, яъни қишнинг оппоқ қори билан кўкларнинг яшил рангига ўрин алмашади. Аниқроқ қилиб айтганда бўлса, бу ерда оппоқ қиш олти ой деганда зўрға адоқлайди, яшил кўклар ҳам шунча вақтга чўзилади. Ва шу боис айрим мевалар қор тушгунча зўрға пишшига улгуради, айрилари эса, йилнинг келишига қараб, қўлигича қор тағида қолиб кетаверади.

Бу масканда шўх, ўйноқи сойдан тортиб дарахтларгача, чечаклардан тортиб қушларгача, қўйинги, бутун борлик куйлайди. Шунингдек, унинг одамлари ҳам. Бу қишлоқда ўлан билмайдиган одамнинг ўзи йўқ. Тўрт одам йиғилган ерда, албатта, ўлан айтилади. Биз ўлан айтилаётган боғда бироз бўлиб, одатдагидек, яна ўз ишимизга давом этамиз ва бу ҳудуддаги аксарият тоғ қишлоқларига ҳок бўлган қорин эти тайёрлаш жараёнига гувоҳ бўлаемиз.

"Қорин эти" деган ғалати атама қишлоққа келган кунимиздоқ қулоғимизга бўлиб, одатдагидек, яна ўз ишимизга давом этамиз ва бу ҳудуддаги аксарият тоғ қишлоқларига ҳок бўлган қорин эти тайёрлаш жараёнига гувоҳ бўлаемиз. "Қорин эти" деган ғалати атама қишлоққа келган кунимиздоқ қулоғимизга бўлиб, одатдагидек, яна ўз ишимизга давом этамиз ва бу ҳудуддаги аксарият тоғ қишлоқларига ҳок бўлган қорин эти тайёрлаш жараёнига гувоҳ бўлаемиз. "Қорин эти" деган ғалати атама қишлоққа келган кунимиздоқ қулоғимизга бўлиб, одатдагидек, яна ўз ишимизга давом этамиз ва бу ҳудуддаги аксарият тоғ қишлоқларига ҳок бўлган қорин эти тайёрлаш жараёнига гувоҳ бўлаемиз.

Бор гап шу. Лекин бу нарса тоғлиқларнинг қадим ҳаётий тажрибадари асосида юзага келганлиги билан ахамиятлидир. Аксарият тоғлиқлар бу усулдан ҳозиргача унумли фойдаланиб келишади.

Нормурод НОРҚОБИЛОВ

"...Ҳожи бобо, китобдаги ("Жангномайи Абомуслим Соҳибқирон" назарда тутиляпти, — И.Қ) бир масалага шўбха қилиб қолдик. Або Муслими соҳибқирон билан Насири-сайёр Беор дашту Хуросонда жанг қилганда ул жанобнинг бошларига-ку Насирисайёр тўқсон олти миңг ботмонлик гурзигарон билан урган эди. Шунда ул жаноб тиззагача ерга ботган эдиларми, ёки белгачами?"

"Шум бола" фильми ёки асари ҳақида гап кетганда даставвал шу лавҳа ҳаёлимизда жонланади. Ва Ғафур Ғулום истехдосига ич-ичимдан тасанно айтаман. Бироқ ўйлангандигани мана шу аччиқ табассумнинг классикага айлангани, яъни унинг мангулик тўнини қияётганидир. Биласиз, бу "пурмаъно фикр"лар муллоаю мударрислар томонидан айтиляпти. Яъни ўз даврларининг "олиму фузалолари". Мана уларни ташвишлантиратган мавзу!

Бир ўйлаб кўрайлик... Йигирманчи асрнинг бошлари... Дунё қай аҳволда? Нигоҳини самога тиккан аллома Улугбек кашфиётига қарийб беш аср бўлган... Россияда театр реформатори Константин Станиславский ва Немирович-Данченко савий-ҳаракати билан Москва бадий театри аллақачонлар ўз ишини бошлаган. Театр санъатида кескин ислохотлар кечаётган палла...

"Эсини йўқотиб қўйган Дунё" эса Альфред Нобель васияти теграсида чарх уриб айлантаётган кезлар... Коммуникация тушунчаси инсоният ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бўлган... Европада шахмат тахтаси жанг майдонига айланган. Ласкер деган бир немис яҳудийси Стейнлидан олган тожини кубалик йиғитдан ҳимоя қилиш билан овера. Ернинг яна аллақайсидир бурчига эса "кино" деган "дунёча" пайдо бўлиб, унда Дэвид Гриффити Чаплин деган одамлар яшай бошлаган... Хуллас, бу даврда дунё "Ҳамлет", "Фауст", "Телба", "Жиноят ва жазо", "Уруш ва тинчлик" каби ҳодисалардан сармат эди. Эҳтимол, Марказий Осиё ҳудуди асосан курулдиққа жойлашгани туйфайли, денгиз йўллари бўлмагани боис бизда жараён суст кетгандир... Шундай бўлса-да, миллий ўйғониш даври маърифатпарварларининг қалбида қулоқ соласан: дунё олимлари оламшумул кашфиётлар ҳақида бош қотириб, осмон илмини ўрганаётган паллада бизнинг муллоларимиз мадраса ҳужрасига ўнг оёқда кириш керамики, ё чап оёқда деб бош қотириб юрганимиз!

Бугун нега яна ўша эски гапларни қўзғаялсан, дерсиз. Албатта, маълум бир фикрга ўз-ўзидан келиб қолмайсан. Нега деганда, бугун газета-журнал ва телевидениедаги турли чиқишлар, санъат ҳақидаги айрим китоблар юқоридаги манзарани бот-бот эста солияпти. Танқиднома ёки танқид оҳангини эслатувчи наларнидир фаҳмлагудек бўлсану, лекин ўша ҳаёвий танқидни суяб тургучи фикрга дўд келмайсан. Айникса, санъат ва адабиёт ҳақида гап кетганда бу кемтикликлар яққол кўзга ташланади.

Айрим мақолаларни газетда ва ёки кўлтезма нусхасида ўқиш асосида шундай фикрларга дуч келамиз: "Фильмларимизда қаҳрамонлар ота-онанинг юзига тик қараб «Сизнинг оқ фотиҳангиз сиз ҳам яшайверман», дейди. Биз экран орқали нимани тарғиб қиляпмиз?", "Ҳар бир фильм миллиятни улуглайдиган, Ватанини шарафлайдиган бўлиши керак. Феллини ва Раж Капур ҳам шу орқали ўз мамлакатларининг доғруғини дунёга олиб чиққанлар!". Энди сарик матбуотда ишлайдиган ҳамкасблар фикрига қаранг: "Қайси фильми қараманг, ҳаммасида Улугбек Қодиров. Нима бундан бошқа актёр йўқ-ми?" "Улугбекнинг реитениги тушиб кетди. Фильмларга тушмай қўйди. У ҳаволини кетгани боис режиссёрлар уни тақлиф қилмай қўйишди". Кечирасиз, бу каби йиғинди гапларни кўчадаги аллаким эмас, университетни тамомлаган, ўзини олий маълумотли сананган, қўлида "журналист"

деган дипломга эга кишилар айтаяпти. Санъат ҳақида гап кетса, санъаткор томошабинни ўз ортидан эргаштириши керак, деб айюҳаннос солинад. Энди айтинг-чи, қалам аҳли кимнинг ёки ниманинг ортидан эргашиб кетаяпти?..

Бутун бошли асар ҳақида биргина жумладан келиб чиқиб ҳукм ўқиш қай даражада тўғри? Бу тарздаги "таҳлилча"лар бизни асосий манзилдан чағитмайди-ми? Шу борада режиссёр Жаҳонгир Қосимов бир мисолни айтган эди:

Шахсий мулоҳаза

СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ, ҲОЖИ БОБО?

"Утган кунлар" фильмида бир ноўрин кадр бор. Лекин томошабин буни унутмайди... аҳамият бермайди. Фильмда Кумуш Отабекка чап қўлда чай узатади. Эҳтимол, бу чиндан ҳам актисанинг ҳаёлида бўлмагандир ёки кадрга тўғри келмагандир. Агар шу фильм "миллатпарвар" одам қўлига тушиб қолгудек бўлса, гапни айнан шу жойдан бошлайдилар ва бутун фильмни йўққа чиқаради. У учун мана шу кичкина бир детал қаршида фильмнинг санъат асарини сифатидаги қиймати ҳеч нарса эмас!" Санъат асарларига нисбатан бу тарздаги ёндашув "Лисонут тайр" дostonидаги Ҳиндистонга бориб қолган кўрлар ҳақидаги машҳур ривоятни ҳам эслатади. Филмининг хартумидан ушлаб, "бу аждаҳога ўхшаш бир нарса экан" деган шўрликнинг аҳолини ёлга солади. Улар ўзлари учун қўнмика бўлиб қолган тушунчадан бир он ҳам силжий олмайдилар. Қўл тегиб турган нарсалар-да, бошқа нарсалар ҳам бўлиши мумкинлигини эса тасаввур қилишга ҳақиқатанам охилик қилишади.

...Бироз орта чекиниб, нигоҳини "оқ фотиҳангиз сиз ҳам яшайверман" деган "бедаб" қизга қаратсан... Агар мақсад танқид бўлиб, профессионал нуқтаи назардан фильмларга кўз югуртирилган бўлса, улардан етарлича камчиликлар топши мумкин. Лекин бу тарздаги ҳаёвий танқидлар билан фақат ўзининг шош этасан, холос. Авваламбор, моҳиятта сал чуқурроқ назар ташлайдиган бўлса, фильмда бу гап тилидан кўчган қизла руҳий мувозона тўзилган. У бир дардманд. Зеро, кучли ҳажжон ичида ҳар қандай сито-вазмин қизда ҳам қутилмаган тебалиқларни учратиш мумкин. Қолаверса, муҳаббат тарғиб-ташвиқ қилинадиган дард эмас. Агар ишонмасангиз, одамлар орасида бир сўровнома ўтказинг, "Сен муҳаббат туйфайли катта меросни, жамиятдаги маъқилни бой берсан. Шунга тайёрман?" қабилда савол беринг-чи, қани, бизнинг замондош прагматикларимиздан нечаси "ха" деб жавоб берадиган. Қолаверса, шу қўйга чалинган одамларнинг ўзидан ҳол сўрасангиз, улар оёқларингиз остига йиқилиб "Мени шу дардан ҳалос эт", деб ёлворишса керак.

Бу тарздаги ўй-фикрлардан сўнг ўйлаб қолсан, хон ҳарамни остонасини ўзинга эл қўрмаган, ота-онаси ва укаларининг ҳаётини таҳлика остига қўйиб, ярим тунда эркачка кийимда ота ҳовлисини тарк этган Раъно ўз даври — муҳити учун қанчалар ўтай фарзанд бўлган экан-а?

Кумушбоби жозибасидан кўра Раънонинг мардлиги кўпроқ ўйлантиради. Айни дамда замондошнинг қиёфасида маргилолик сулуви эмас, Раънони кўргини ке-

лади. Ўзбек адабиётида яратилган аёл қаҳрамонлар орасида энг залворлиси ҳам шу бўлса керак. Назаримда, ёзувчи шарқ аёлларида кўришни орозу қилган шилла-ту қатъияни шу қаҳрамонига сингдиргандек. Санъат тили билан айтганда, Раъно образи замирида актриса маза қилиб ўйнаши ва тер тўкиши мумкин бўлган, актёр имкониятларини чарчлайдиган бой манба бор. Лекин у феминистка эмас! Кечирасиз-у, ўша даврда Раънонинг хон ҳарамини ўзига шараф деб билган, ўнлаб дугоналари бўлмаган дейсизми? Қайта-қайта мурожаат этса-да, ҳамини янги гап айтиш мумкин бўлган қаҳрамон.

Адабиётда шундай қамбەт тимсоллар бўлади: Гамлет, Антигона, Медея, Искандар, Печорин, Вая тоға ва ҳатто "ревизор" — Хлестаков!.. Булар қаторига ҳеч иккиланмасдан Отабек ва Раънони ҳам киритиш мумкин. Бу образлар орқали санъаткор ўз даври ва жамиятининг дардларига тахшиш қўя олади. Янги талқинлар

эвазига асар замонавийлашиб бораверадилар. Шу маънода Раъно ҳам ўзининг нозик елкасига замоналар юқини, инсонлар дарду изтиробларини кўтара оладиган образ. Ўйлашимча, Раъно характерининг руҳий қирралари, ботиний тугёнлари на экранда, на сахнада ўзининг тўлақонли бадийий ифодасини етарли даражада топа олгани йўқ.

Мавзунинг ўзини ўз-ўзидан санъатга қараб буриляпти. Наҳора? Майли, бир зум журналистлардан кўзимизни юмиб турайлик... Барчага маълумки, бутун таниқли санъаткорларнинг матбуотда эсдаликларини чоп этилиши билан бирга автобиографик китоблари ҳам нашр этиб бориляпти. Қунора радио-телевидениеда уларнинг фикрини эшитишинга тўғри келади. Албатта, бундан хурсанд бўлсан... Ижод дунёсининг сир-синоатлари билан бевосита танишишдан юрагинг ҳақиқатда... Умири санъатнинг оловли йўлларида ўтган инсонга умид билан тикилганча, унинг "шонли йўл"ларидан фикрлар ёлқинини изlaysан... излайверсан... Лекин кўнглингиз сатрлар орасидан сизиб чиқаётган рангсиз, хира туйғулардан аланачук бўлиб кетади. Ҳарқанча уринма, ўзинг кутаётган икромга юзма-юз келмайсан. Аксинча "Мен уни чойга тақлиб қилдим, у бормас. Мени қўрқолмайди", "Фалончи менинг асарим ҳақида бунай деди, унинг ўзи қим бўлипти. Вақтида ундай қилган ва ҳ.к." ёки "У меҳмондўст, пазанда, хотамтоғ, саховатпеша инсон эди, дилбар бир шахс эди" қабилдаги "аёллар дийди"си ва ёхуд оҳорсиз тасанноларга яна бир бор дуч келсан. Шу ўринда едимга тикилиб, бир иш юзасидан Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги хотираларни бир бошдан кўчди қиқилганига тўғри келган. Шунда ундаги битикларни ўқиб, ёзувчининг гапга чечанлиги Кирибёхоннинг пазандалигидан бўлак ёрқин тасаввур қолмаган тасаввуримда. Хуллас, сизга ҳозир шу йўналишдаги китоблар орасида "Мана бу хотиралар, кечинималар рўхнингизга қувват бўлади" деб айтишга аризуликларни ниҳоятда кам.

... Сиз ким учун ёзасиз? Кино ҳақидаги танқидий фикрларингиз асосан кимга қаратилган? Киночиларгами? Ўзганингизга қараганда, шундай. Лекин бу тарздаги мушоҳалалар билан уларга фикрини уқтиролмайсиз. Чунки, кино ва телевидение режиссураси бўйича санъат институтини тамомлаган мутахассис, гарчи, ўзи ижод борасида Феллинининг яқинига борулмас-да, бироқ режиссёр қайси мавзуда, нима ҳақида фильмлар олгани тўғрисида ҳеч қурса умумий тасаввурга эга. Ахир, ўзингиз ҳам Абдулла Қодирий ижодидан беҳабар филолог ёки журналистини тополмайсиз-ку!

Иқбол ҚУШПАЕВА

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги музейлар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида музейлардаги керамика экспонатларни сақлашга мўлжалланган керамика учун шафлар харид қилиш бўйича қайта танлов эълон қилади.

Танлов очик турда ўтказилади. Унда Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган ҳамда сифат ва баҳо борасида хариддорги махсуслот ишлаб чиқариш ва етказиб бериш имкониятига эга, мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танлов ўтказилиши ҳамда харид қилинадиган махсуслотлар билан боғлиқ барча қўшимча маълумотларни олиш учун Маданият ва спорт ишлари вазирлигига эълон чиққан кундан бошлаб (шанба ва яшанбадан ташқари) ҳар кун соат 10:00 дан 17:00 га қадар қўлидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин.

100017, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони 5, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги.

Телефонлар: (8-371) 239 45 50, 239 46 11.

Танловда иштирок этишни хоҳлаган ишлаб чиқарувчи талабгорлар давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, агар етказиб берувчи ташкилотлар иштирок этиш истагини билдирса, у ҳолда улгуржи савдо фаолиятини амалга оширишга рухсат берилганиги тўғрисидаги лицензия билан бирга Маданият ва спорт ишлари вазирлигига юқорида қайд этилган манзил бўйича 2010 йил 4 ноябр соат 15:00дан кечиктирилмаган ҳолда ўз тақлифларини тақдим қилишлари лозим. Курсатилган муддатдан кечикканларнинг мурожаатлари инобатга олинмайди.



Кўз таровати...

Муסיқий кеча

Ўзбекистон давлат консерваториясининг орган залида Рерихлар оиласи ҳаёти ва ижодига бағишланган муסיқий кеча ўтказилди. Маълумки, Рерих Пакти деб номланувчи "Бадийи ва илмий муассасаларни ҳамда тарихий ёдгорликларни асраш" шартномаси 1935 йили Вашингтонда атоқли рус рассоми Николай Рерих, президент Франклин Д.Рузвельт ва йигирмага яқин мамлакат томонидан имзоланган. Рерих Пакти инсоният яратган бойликларни асрашда ва вандализмга қарши курашда давлатларни бирлаштиришдек умиминсоний гоғларни илгари суради. Кейинчалик унинг гоғларини ўғли, рассом Святослав Рерих давом эттирган.

Концерт аввалида консерватория фойесида намойиш этилган Рерихлар расмлар кўргазмаси меҳмонларда катта қизи-

қиш уйғотди. Ёш скрипкачилар ансамблининг ижроси тадбирга ўзгача тароват бағишлади. Кеча бошланишидан аввал Ўзбекистондаги "Рерихлар жамияти" расиси Надежда Манасипова Рерих Пакти аҳамияти ҳақида сўзлади.

Концертни халқаро танловлар дипломанти Рахмет Полвонов Александр Скрябин ва Фридрих Шопен асарлари билан бошлаб берди. "Omniбус" дамли-ёғочли чолгулар квинтети композитор Геоле Легетти асарини, дирижёр Муборак Лутфуллаева бошичилигидаги "Ўзбекистоннинг ёш истеъодлари" камер оркестри А.Бородин, П.Чайковский, И.Штраус каби рус ва чет эл композиторлари асарларини моҳирона ижро этди.

Дилноза АСАНОВА, консерватория талабаси

МУАССИСАЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ

ХОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРКАТУВИ" АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз: info@uzas.uz
Котибият — 233-49-93

Тақдид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48
Иجتимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55 Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

Тахриратга келган қўғазмалар тахшиш этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахрират нўнати назаридан фарқланмайди.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Рустам МУСУРМОҢОВ
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 19.08

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0283-рақам билан рўйхатга олинган. А — 4274, Буюртма Ғ — 948. Ҳажми — 2-5 босма тираж. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223, 1 3 5

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН